

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Магистратура бўлими

«Молия» кафедраси

«Давлат молиясини бошқариш» фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу: Давлат молия сиёсатида хусусий сектор тараққиётини
рағбатлантиришнинг ҳозирги давр муаммолари**

**Бажарди: 1-курс ДМБ-1 гуруҳи
магистранти Каримов М**

Текширди: проф. Т.Расулов

ТОШКЕНТ-2013

Кириш

1. Хусусий сектор фаолиятини ташкил этишнинг моҳияти, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари
2. Хусусий секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари
3. Давлат молия сиёсатида хусусий сектор тараққиётини рағбатлантиришнинг ҳозирги давр муаммолари

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

**“Ишбилармон, мардлик ва шижоат со-
ҳиби азми қатъий тадбиркор ва хушёр
бир киши минг-минглаб тадбирсиз,
лоқайд кишилардан яхшидир”.**

АмирТемур

Кириш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ривожлантириб бориш иқтисодиёт фанини мукаммал эгаллаш, унинг сир-асрорларини пухта ўрганишни талаб қилади. Ҳусусан, бозор муносабатига ўтишни тезлаштирувчи энг асосий йўлларидан бири - бу кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади.

Бозор муносабатларининг раванқ топишида, эркин рақобат ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Корхона, фирмалар заминида тадбиркорликнинг моҳиятига, давлат томонидан қўллаб-қувватланишига асосланади.

Мамлакатимиз корхона ва ташкилотларнинг жаҳон бозорида ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашларида, экспорт салоҳиятини оширишларида, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Курс ишнинг мақсади ва вазифалари кичик бизнес ва тадбиркорликни моҳиятини, ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини очиш, уни кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш масалалари ва Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни ва ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш билан кичик бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантиришда давлат солиқ сиёсати.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифасидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш корхоналар фаолиятида кескин ўзгаришларга олиб келди. Корхонанинг асосий мақсади - ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойдани максималлаштириш, янги бозорларни эгаллашдан иборат. Тадбиркорлик кишиларнинг ва янги жамоаларнинг мустақил

ташаббусига асосланган фаолият бўлиб, турли мулкчилик шакллариغا таянган ҳолда таркиб топади.

Кичик корхоналар, чет эл тажрибасига кўра, иқтисодиётининг стабиллигини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир. Улар янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этишга, илм-фан янгиликларини ўзлаштиришга, аҳолини янги иш жойлари билан таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Тадбиркорликнинг муваффақиятли ривожини учун фақатгина ҳуқуқий асосни таъминлаб, ҳамда самарадор иқтисодий сиёсатни юритибгина қолмай, балки илғор чет эл тажрибасини билиш ва иш юритиш усуллариини эгаллаш зарур. Бугунги кун талабига кўра кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг жахон бозорини эгаллашлари учун аввалом бор ҳамкорлик иш олиб бориши ва ўз фаолиятини тўлиқ ишга тушириб олиши учун давлат томонидан қўллаб-қуватлаш зарурати пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида аста секинлик билан давлатнинг иқтисодий ресурсларини шаклланиши учун замин бўлади.

1. Хусусий сектор фаолиятини ташкил этишнинг моҳияти, ҳуқуқий ва иқтисодий асослари

Республикада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тобора авж олдириш, шунингдек тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб – қувватлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги давлат мулки жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилган.

Рақобатчиликни ривожланишга истеъмол бозорини товарлар ва хизмат ишлари билан тўлдиришга, янги иш жойларини яратиш, катта миқдордаги мулк эгалари ва тадбиркорларни шаклланишига хизмат қилувчи Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири - бу тадбиркорликнинг қўллаб қувватланишидир. Тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиш нафақат иқтисодиётни муттасил ривожланиши, хўжалик алоқаларини тузатиш, рақобатни ривожлантириш ва истеъмол бозорини тўлдириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий мақсадларини таъминлаши зарур, булардан ташқари иқтисодий, сиёсий вазифаларини ҳал этиши, республиканинг барча ҳудудларида сиёсий мўътадилликни мустаҳкамлаши, тадбиркорлик фаолиятига тегишли бўлган ижобий ижтимоий муносабатларни шакллантириши, унга аҳолининг актив қисмини жалб этиши, ишсизликни, инфляция ва бошқа салбий ҳолатларни олдини олишда намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти субъектларининг хўжалик фаолиятида «тадбиркорлик» ва «бизнес» тушунчалари ўзаро яқин бўлиб, амалиётда улар бир-бирини алмаштиришлари мумкин. «Тадбиркор» ва «бизнес» каби тушунчалари, уларнинг иқтисодий фаолият соҳаларини қурилаётганда маънодош деб ҳисобланмайди. «Бизнес» тушунчаси «тадбиркор»дан анча кенг маънога эга, деб қаралади. Ҳарб давлатларининг бозор иқтисодиёти ҳақидаги адабиётларида, бизнес - жамиятнинг

талаб ва хоҳишларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш тизими деб тушунтирилади.

Бизнес бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари орасидаги муносабатларни қамраб олади ва фақат ишбилармонларнинг эмас, балки истеъмолчиларнинг, ёлланган ишчиларнинг, давлат тизими хизматчиларининг ҳам хатти ҳаракатларини ўз ичига олади. Бу ҳолатда, бизнес сўзининг синонимлари бўлиб, маълум маънода тижорат, савдо-сотиқ каби тушунчалар ҳисобланади. Умумий қўринишда бизнес - бу кишининг бозор муносабатлари тизимдаги ишчанлик фаоллигидир.

Бозор муносабатлари тизимида кичик бизнес қуйдаги алоҳида ҳусусиятлари:

ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчиларнинг сони ва қайси саноат тармоғига тегишлилиги билан тавсифланадиган тадбиркорлик шакли сифатида намоён бўлади. Кичик бизнесга ўзининг мустақил мулки ва хўжалик мустақиллигига эга бўлган ва ўзининг фаолияти соҳасида юқори (доминант) ҳисобланмаган фирмалар киради.

Ўзининг «кичик бизнес» деган номига қарамасдан, ушбу ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти тури барча тараққий топаётган давлат иқтисодида муҳим аҳамиятга эга. Унинг қуйдаги афзалликлари:

- маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч бўлмаганда транспорт ҳаражатларининг иқтисод қилиниши эвазига кам ҳаражатлидирлар. Уларнинг иқтисодий устунлиги маҳаллий шароитларини яхши билганлари сабабли, ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган капитал ва меҳнат ҳаражатлари билан амалга оширишидадир;

- кичик корхоналардаги меҳнат, одатда, моддий тавсифга эга, ва у амалиётда канцелярия меҳнатига нисбатан фойдалидир;

- ишловчиларнинг камсонлиги, уларнинг ҳар бири қобилиятининг енгилроқ юзага чиқишига ёрдам беради;

- мослашувчанлик, яъни ишлаб чиқиладиган маҳсулот ассортименти ва турини ўзгартириши кичик корхоналарда унчалик катта қийинчиликлар

туғдирмайди. Шунинг учун бозор иқтисодига асосланган давлатларда кичик бизнес ўз мавқеини тинимсиз кучайтириб ва мустаҳкамлаб бормоқда.

Кичик бизнесда қуйдаги тадбиркорлик шакллари мавжуд:

- **фаолияти йўналиши бўйича:** ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва инновацион тадбиркорлик фаолияти;

- **фаолият турларининг сони бўйича:** битта соҳадаги ва кўп тармоқли тадбиркорлик;

- **фаолият мураккаблиги бўйича:** махсус билим талаб қилмайдиган, талаб қиладиган, юқори технология ва нодир билимга асосланган тадбиркорлик;

- **фаолият тармоқ йўналиши бўйича:** саноат, агросаноат, к/х, қурилиш ва х.к.

Тадбиркорликнинг субъектлари юридик ва жисмоний шахслардир. Кичик тадбиркорлик фаолиятининг қуйдаги шакллари мавжуд:

- хусусий тадбиркорлик жисмоний ёки юридик шахслар томонидан амалда ўзининг шахсий мулки асосида ташкил қилинади;

- жамоа тадбиркорлиги - фуқаролар гуруҳининг жамланма мулки асосида ташкил қилинади;

- аралаш тадбиркорлик - битта юридик шахс ва бир неча жисмоний шахс мулкани бирлаштириш асосида ташкил қилинади;

- қўшма тадбиркорлик - икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар мулкани бирлаштириш йўли билан ташкил қилинади;

- шартномавий тадбиркорлик - мулк эгаси бўлмаган корхона раҳбари (менеджер) томонидан шартнома асосида амалга оширилади. Масъулият менеджер зиммасига юклатилади.

Кичик бизнесда ишбилармонлик қуйдагича амалга оширилади:

- юридик шахс ташкил этиб;

- юридик шахс ташкил этмасдан;

- ёлланган меҳнатдан фойдаланиб;

- ёлланган меҳнатдан фойдаланмасдан.

Мулк шаклига кўра кичик бизнесда хусусий, жамоа, қўшма, аралаш ва бошқа корхоналар иштирок этади.

Амалдаги қонунларга мувофиқ кичик бизнес эгалари қўйидаги гурўҳларга ажратилади:

- **якка тартибдаги тадбиркор** юридик шахс ташкилисиз ва ишчи ёллаш ҳуқуқига эга бўлмаган, қўлида хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳномаси бор бўлган жисмоний шахсдир.

- **микрофирма** – мулк шаклидан қатъи назар ишлаб чиқариш тармоқларида ўртача 20-кишигача; савдо хизмат кўрсатиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида 10 кишигача ходими бўлган корхоналардир.

- **кичик корхона** – мулк шаклидан қатъий назар, йиллига ўртача 100 кишигача ходими бўлган; қурилишда, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларида – 40 кишигача; фан соҳасида, илмни соҳада, чакана савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларда 20 кишигача ходими бўлган корхоналардир.

- **деҳқон хўжалиги** - ўз фаолиятини юридик шахс сифатида амалга оширувчи ва оила бошлиғига умрбод мерос қилиб берилган ўз торморқасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оилавий майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалиқдир.

- **фермер хўжалиги** – фермер хўжаликлари аъзоларининг фаолиятига асосланган, унга узоқ муддатга фойдаланиш учун ижарага берилган ер тормоқларида қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни амалга оширадиган юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалиқ субъектидир.

Корхона йириклигини ажратишнинг бундай мезонлари уларни солиққа тортишдаги имтиёزلарни аниқлаш, кичик бизнесни қўллаб қувватлашнинг аниқ чораларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда кичик корхоналарни қўпайтириш билан боғлиқ бўлган инфратузилма ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш имкониятини яратади. Бизда кичик бизнес субъектларини энг асосий кўрсаткичи бу ишчи ва хизматчилар сонидир.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорлик тузилмалари учун, уларнинг ташкилий ҳуқуқий тузилмаларидан қатъий назар, умумий бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу қонунга асосан ҳар қандай ишбилармонлик субъекти қуйдаги ҳуқуқларга эга:

- мамлакат қонунлари, Олий кенгаш қарорлари ва давлат бошқаруви органлари ҳужжатлари билан маън этилмаган ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш;

- қонунга қарши бўлмаган ҳар қандай корхона ёки ташкилот бунёд этиш;

- тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун шартнома асосида бегона фуқароларни, корхона, ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий ва юридик шахсларнинг мулкани, пул маблағларини ва баъзи бир мулкка бўлган ҳуқуқларини жалб этиш;

- қонуний йўл билан қўлга киритилган мулк билан бегона хўжалик субъектларининг фаолиятида иштирок этиш;

- республикадаги жорий қонунлар ва тузилган шартномалар асосида ўзининг хўжалик дастурини мустақил шакллантириш, ўз маҳсулоти учун истеъмолчи ва таъминотчини мустақил танлаш, кўрсатадиган хизматига таъриф ва маҳсулотига нархларни мустақил белгилаш;

- ишловчиларни амалдаги қонун ва меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;

- ёлланган шахслар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа даромад турларини шакллари, таркибини ва миқдорини белгилаш;

- ўзининг пул маблағларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит операцияларини бажариш учун банкларда ҳисоб рақамларини очиш;

- ишбилармонлик фаолиятидан келган даромаднинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан қолган қисмини ўз хоҳиши бўйича ишлатиш чекланмаган миқдорда ҳар қандай шахсий даромад олиш;

- давлат таъминоти ва ижтимоий суғурта тизимидан фойдаланиш; судда, арбитражда ва ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиш;

- жорий қонунлар асосида ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил амалга ошириш ва бошқалар;

Кичик бизнес тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жамият ва Республика олдидаги, ҳамда, ёлланган ишловчилар ва хўжаликдаги шериклари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига узвий боғлиқдир. Тадбиркорларларнинг мажбуриятлари қуйдагилардир:

- амалдаги қонун ва тузилган ва шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;

- ишга ёлланиб олинаётган фуқаролар билан шартномалар тузиш.

- ёлланган ишловчиларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига бирлашишларига тўсқинлик қилмаслик;

- меҳнат шартномаларида ишловчиларга белгиланган малака даражасини, Республика ҳукумати томонидан белгиланган минимал иш ҳақидан кам бўлмаган иш ҳақи миқдорини ва бошқа ижтимоий иқтисодий кафолатларни инобатга олиш;

- давлат ижтимоий суғурта фондига ёлланиб ишлаётган шахслар учун суғурта ажратмаларини Республика қонунларида кўрсатилган усул ва белгиланган миқдорларда тўлаб бориш;

- амалдаги фойда ва йўриқномалар асосида атроф-муҳит (экология) хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитария ва гигиенаси ва маданиятини юксалтириш бўйича чора тадбирларни амалга ошириш;

- ўзининг молиявий аҳволидан қатъий назар, шартнома асосида ишга жалб этилган барча ишчи-хизматчилар билан ҳисоб-китоб қилиш;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига амал қилиш;

- мамлакат қонунларига биноан лицензияланиши (рухсат олинishi) кўрсатилган фаолият турларига белгиланган тартибда махсус рухсатнома олиш ва бошқалар;

- тадбиркорлик фаолияти самародорлигини ошириш ва уни кенг тарғиб қилиш ва ёйиш мақсадида давлат ахборот, маслахат, илмий-тадқиқот марказлари, инновацион фондлар ва бошқа ташкилотлар тузиб, иқтисодиётнинг ушбу соҳасини ривожланишига ёрдам беради.

Бундан ташқари қонун ҳужжатларида баён этилишича давлат томонидан тадбиркорларга қуйдагилар кафолатланади:

- Фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, корхона бунёд этиш, ва бунинг учун зарурий мулк сотиб олиш ҳуқуқлари;

- амалдаги қонунчилик ва шартномалар асосида барча тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- тадбиркорлик фаолиятининг илмий-техникавий ва ҳуқуқий жихатдан қўллаб қувватланиши;

- тадбиркорлик хавф-хатари ва таваккалчилигини суғурта қилиш;

- тадбиркорлар билан шартнома тузилгандан сўнг улар фаолиятига шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, мулк эгасининг ва ҳар қандай учинчи шахснинг аралашishi ман этилади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш қуйдаги асосий масалаларни ечиш йўли билан амалга оширилиши керак:

- кичик бизнес субъектларини бозорга тўсқинликсиз киришига шароит яратиш;

- иқтисодда хусусий секторнинг ўсишига шароит яратиш;

- тадбиркорликни Давлатнинг муҳим ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларини ечишга жалб қилиш;

Давлатнинг иқтисодиётга, шу жумладан кичик бизнес тараққиётига бевосита таъсир кўрсатиши давлат томонидан шу соҳага таалукли қонунлар яратилиши билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш», «Қорхоналар тўғрисида»ги қонунлар шу йўлда амалга оширилаётган ижобий ишлар натижасидир. Шунинг эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлис маърузасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича, Кичик бизнес ва тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг энг самарали шакли эканлигини эътиборга олиб, Президентимиз И.А.Каримов, унинг ЯИМ даги улушини 2005 йилги 38,2% дан 2007 йилда камида 45% га етказиш учун бир қатор янги вазифалар қўйилган эди.

1.Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш.

2.Фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тадбирларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3.Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги кичик корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

4.Кичик корхоналарда ишламайдиган, айниқса қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга қўмаклашадиган тузилмалар яратиш лозимлигини кўрсатиб ўтганди.

Бозор ислоҳотлари чуқурлашиш жараёнининг ҳозирги босқичи талабларини эътиборга олиб, сўнги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича бир қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинди.

1.Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни;

2.Ўзбекистон Республикасининг "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги қонуни;

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3619 сонли фармони;

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги 100- сонли қарор;

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3620 сонли фармони;

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида"ги 2005 йил 24 июндаги 3622 сонли фармони;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги

«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чоро-тадбирлари тўғрисида»ги 3665 сонли фармони;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб варақалардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 147- сонли қарори;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 51 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб – қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги 186 сонли қарори;

10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрельдаги «Тўғридан – тўғри хусусий ёрижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги 3596 сонли қаби ҳуқуқий ҳужжатлар.

Юқоридаги ҳужжатларда кичик бизнес субъектларига бериладиган кафиллик ва имтиёзлар кўрсатиб ўтилган: Давлат уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эркин рақобат учун шароит яратиб бериш, мулкчилик шаклидан қатъий назар моддий, меҳнат, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланишга тенг ҳуқуқларни таъминлаш, Республика ва маҳаллий органлар томонидан кичик бизнес бўйича қабул қилинган барча меъёрий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга кафиллик берди.

Самарадорлик даражасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган солиқ сиёсати бўйича экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи, Халқ истеъмоли товарлари, маҳаллий хом-ашъёдан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун махсус имтиёзлар белгиланган. Энг катта имтиёзлар кичик бизнес субъектлари учун солиқлардан берилган (кейинги бобларда бу махсус кўрилган).

Шу билан бирга кичик бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи бир қатор сабаблар ҳам бор. Энг катта қийинчилик бу кичик бизнес субъектларини ташкил қилиш ва қувватларини ошириш учун пул маблағларининг етишмаслигидадир. Тижорат банклари уларга қийинчилик билан кредитлар берадилар, чунки уларда кредитларнинг қайтмаслиги хавфи жуда катта. Шунинг

учун мамлакатимиз раҳбарияти кичик бизнесни ҳимоялаш мақсадида 1993 йилда "Тадбиркор банк" ва кичик бизнесни ривожланишига ёрдам берувчи махсус жамғарма ташкил этилди. 1995 йилда бу жамғарма кичик тадбиркорликни ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш фондига айлантирилди (Бизнес фонд). Бу жамғармага давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган пуллар келиб тушиб, тадбиркорларга кичик бизнес субъектларини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш учун берилди бошлади.

Кичик корхоналарни замонавий технология ва янги техника билан қуроллантириш учун чет эл кредит йўналишларидан имтиёзли валюта кредитлари олиш имкони пайдо бўлди. 2000 йилнинг 21 мартда қабул қилинган "Банк тизимини янада либераллаштириш ва ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимиз фармонида биноан банкларнинг ўз маблағлари ҳисобига кичик бизнесни кредитлашни рағбатлантирувчи чора-тадбирлар амалиётга тадбиқ этила бошлади. Бу ҳолда тижорат банклари 5 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод этилиши кўзда тутилган.

Юқоридагилардан ташқари солиқ қонунчилиги бўйича кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантирувчи бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, янги ташкил этилган корхоналар, шу жумладан кичик корхоналар ҳам ўз фаолиятининг дастлабки 2 йилида мулк солиғидан озод этилади (Солиқ кодекси 9 моддаси 2 қисм). 1995 йил 25 декабрда қабул қилинган "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан "агар солиқ қонунчилигига киритилган тадбиркорлик субъектлари шароитини ёмонлаштирилса, кейинги 2 йил давомида улар давлат рўйхатидан ўтаётган пайтда амалда бўлган қонунчилик асосида бўлашни давом эттирадilar".

Кичик бизнес субъектлари учун солиқларнинг энг самарали турларидан бири бўлган соддалаштирилган солиқ тизими (ягона солиқ)га ўтиш рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги "Чет эл хусусий инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида биноан:

"2005 йил 1 июлдан бошлаб тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ, ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий йиғимлар тўлашдан озод этиладилар. Кўрсатилган солиқ имтиёзлари чет эл инвестициялари қуйдаги миқдорда бўлганда:

- 300 минг АҚШ долларида-3 млн. АҚШ долларида-3 йил муддатга,
- 3 млн АҚШ долларида 10 млн. АҚШ долларида-5 йил муддатга,
- 10 млн. АҚШ долларида кўп бўлса-7 йил муддатга озод этилиши белгилаб қўйилсин",- деб таъкидланган.

Кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш мақсадида 2005 йил 20 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Фармонда илгари кичик бизнесга берилган бир қатор имтиёزلардан ташқари яна қўшимча имтиёзлар берилган:

1) "2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилган...

2) 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акциз солиғи олинадиган машғулоти ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида солиққа тортиладиган база акциз солиғи суммасига камайтириладиган тартиб ўрнатилган.

3) Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилсин,"- деб кўрсатилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 14 мартда қабул қилган "Ишлаб чиқаришни модеризациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" фармони бу борада дастурнинг амалдаги ҳолати бўлиб хизмат қилмоқда. Юқоридагилардан кўриниб турибтики, бу фармон кўплаб янги кичик бизнес субъектларини ташкил этишни,

фаолият юритиб турганларининг самарадорлик даражасини ошириб бориш имкониятларини беради ва шу йўл билан кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантирувчи янги имкониятлар беради ва кичик бизнес ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодийётида етакчи ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Шуни такидлаб ўтиш мумкинки, кичик бизнес ва тадбиркорлик ялпи ички маҳсулотни шакллантиришнинг асосий бўғини бўлибгина қолмай, балки аҳолининг иш билан бандлигини таъминловчи омил ва аҳоли даромадларининг манбаи, аҳоли фаровонлигини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш амалга ошираётган ислохотларимизнинг асосий бўғини ҳисобланади. Чунки **биринчидан**, кичик ва ўрта бизнес ривожланган жаҳон иқтисодийётининг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти на-фақат йирик бизнеснинг, балки бутун мамлакат иқтисодийётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўдцирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайти-риш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғ-лик барқарор ривожланишига боғлиқ.

Иккинчидан, иқтисодийётнинг глобаллашуви жараёнида жаҳон бозорида рақобат янада кучаяди. Бундай шароитда айнан кичик ва ўрта бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини ҳам талаб қилиши, их-чамлиги билан бир қаторда, зарур тамойилларга, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақг-вақги би-лан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тезроқ мос-лаша олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга.

Йирик корхоналарнинг бутловчи қисмлар, материаллар етказиб берадиган тармоқларни барпо этиши рағбатланти-ридци. Бу эса саноатда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этиш имконини беради ҳамда ташқи бозорга товарлар ва технологияларини экс-порт қилиш ҳажмининг ўсишига олиб келади.

«Шунинг учун ҳам биз янги давлат, янги жамият куришга киришган дастлабки кунларданоқ энергетика — ёқилғи ва ғалла мустақиллигини қўлга киритиш вазифаси билан бир қаторда, ички бозорни ўзимизда, ўз хом ашёмиздан ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенг йўлга қўйиш вазифаларини ҳам муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олдик», — деб таъкидлаган эди Президентимиз И.Каримов.

Бу масаланинг ечими, биринчи галда, халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ва тармоқларни жадал ривожлантиришни тақозо қилар эди. Шу билан бирга, бу мураккаб вазифани қисқа муддатда ҳал этиш лозим эди.

Айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатли ва рақобатбардош бўлишига эришиш, бу ишни катта сармоя ва капитал маблағларга эга бўлмаган ҳодда амалга ошириш зарур эди.

«Мана шунинг учун кичик корхоналарнинг, хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нечоғли беқиёс эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ», — деб кўрсатди И.Каримов (2001 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзланган нутқ).

Шу нуқтаи назардан қараганда, ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш — мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир. Бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири — кичик ва ўрта корхоналар сонини кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Бундан ташқари, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми — деярли 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Бугунги кунда айнан қишлоқ жойларида одамларни иш билан банд қилиш, даромад манбалари билан таъминлаш, айниқса, кескин муаммо бўлиб турибди. Бу муаммо ер ва, биринчи галда, сув ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ.

Табиийки, бу масалани қишлоқ хўжалиги ўз ҳолича ҳал қила олмайди. Бунинг устига, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ишчи кучларини камайтириб боришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш борасида янги муаммоларни келтириб чиқаради.

2. Хусусий секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.


Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охирги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди(1-расм).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.




Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида акс эттирилган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.

2012 йилда солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда (2-расм).

Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари.




Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида акс эттирилган.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2012 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқарди.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 2690,2 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 4041 млрд.сўмни ташкил этди(3-расм).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори.



Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида акс эттирилган.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 2001-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори қарийб 24 мартага кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича банк тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;

- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;

- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада 2011 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу жумладан 752 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 155 фоизга кўп) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291126 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм миқдоридаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади.

Шу муносабат билан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

2012 йил мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларни яратиш мақсадида банк тизимида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилади ва соддалаштирилади. Бунда, оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилади;

иккинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 4 трлн. 377 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади, шундан микрокредитлар ҳажми 843 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу кредитлар биринчи навбатда бошланғич капитални тўлдириш учун ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида ўрта ва узоқ муддатларга ажратилади;

учинчидан, 2012 йилда тижорат банклари томонидан оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш учун кредит маблағларини ажратилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мақсадлар учун банклар томонидан жорий йилда 60 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилади;

тўртинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида уларга микрокредитлар ажратиш учун жами 243 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади;

бешинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда ажратиладиган кредит маблағларининг 28,3 млрд. сўми касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади;

олтинчидан, тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 30,0 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилади. Бунда асосий эътибор устувор равишда узоқ ва бориш қийин, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилади;

еттинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун жами 336 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади.

Мухтасар қилиб айтганда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан уларнинг модернизациялаш ва технологик янгилинишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш

кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

3. Давлат молия сиёсатида хусусий сектор тараққиётини рағбатлантиришнинг ҳозирги давр муаммолари

Республикаимизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Истикболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй бериши.

1-жадвал.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичикбизнес ва тадбиркорликнинг улуши (фоиз ҳисобида)

Тармоқлар	Жами	Кичик тадбиркорликнинг умумий ишлаб чиқаришдаги ҳажми		
		2000	2005	2010
Саноат	100	11,3	9,8	14,1
Қишлоқ хўжалиги	100	72,4	84,7	93,6
Қурилиш	100	36,8	49,4	54,8
Савдо	100	45,9	44,0	42,6
Пуллик хизмат	100	37,9	52,0	71,0

Манба: ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда истикболда ўзгаришлар саноат соҳасига бўлган талаб натижасида содир бўлади, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиш ҳисобига бу соҳа натижаси 93,6 фоизга етади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши пасайиши содир бўлади.

Ҳудудларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши мутлақо етарли даражада эмас. Ваҳоланки барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса ижобий натижаларга эришамиз.

Республикаимизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Бизнинг ҳисобларимизга кўра 2015 йилга бориб республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улушини 61,1 фоизга етказиш кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади.

Бунинг учун ҳудудлардаги кичик тадбиркорлик корхоналарнинг республика бўйича ишлаб чиқарилган ЯИМ даги улуши истикболда қўйидаги ҳолатда ўсиб боришига эришиш зарур (инерцион тарзда).

2-жадвал.

Республика ЯИМда ҳудудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг истикболда ўсиб бориши.*

Республика ҳудудлари	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йил 2005 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ўзбекистон Республикаси	31,0	38,2	52,1	66,1	173,0
Қорақалпоғистон Республикаси	26,9	48,9	57,9	66,9	136,8
Вилоятлар					
Андижон	32,9	38,7	49,9	61,1	157,8
Бухоро	33,0	44,4	51,1	57,8	130,1
Жиззах	37,1	64,4	73,0	79,8	123,9
Қашқадарё	25,8	38,4	45,8	58,4	152,0
Навои	21,5	20,9	33,5	46,1	220,0
Наманган	33,4	51,4	75,4	81,4	158,3
Самарқанд	44,3	54,5	68,3	78,9	144,7
Сурхондарё	39,1	45,9	64,8	81,7	177,9
Сирдарё	38,9	58,8	72,5	80,6	137,0
Тошкент	34,0	36,3	45,6	54,9	151,2
Фарғона	32,0	43,9	64,7	82,3	187,4
Хоразм	34,2	54,2	78,3	81,9	151,1
Тошкент ш.	41,5	54,3	70,2	79,1	145,6

* Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси (2006 йил –55 бет) асосида талаба томонидан ҳисобланди.

Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатлар даражасида эмас. АҚШ да 75-82 фоизни, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 фоизни ташкил этади. Республикамиз кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади. Чунки 2000-2005 йиллар оралиғида ўсиш даражаси (1,4 фоиз) кўзланган натижага (50-52 фоиз) эришишни таъминлай олмайди.

Истикболда кутиладиган натижалар асосан кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди.

Истиқболда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши. (млн.сўм.ҳисобида).

Ҳудудлар	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йил 2005 йилга нисбатан ўсиш %
Ўзбекистон Республикаси	892573,0	956838,2	1089938,7	1223039,2	127,8
Қорақалпоғистон Республикаси	18786,6	22919,6	24982,3	27045	117,9
Вилоятлар					
Андижон	70178,8	74249,1	82564,9	90880,7	122,3
Бухоро	46619,4	51934,0	55413,5	58893,1	113,3
Жиззах	31281,6	39821,3	43245,9	46670,5	117,1
Қашқадарё	61485,8	69233,0	74356,2	79479,4	114,7
Наманган	50919,4	60084,8	74505,1	88925,4	147,9
Самарқанд	67851,2	74772,0	85090,5	95409,0	127,5
Сурхондарё	82241,4	87833,5	104434,0	121034,5	137,7
Сирдарё	34155,4	40952,3	46562,7	52173,1	127,3
Тошкент	110782,4	112665,7	123143,6	133621,5	118,5
Фарғона	104838,6	117314,3	141715,6	166116,9	141,5
Хоразм	36708,7	44050,4	54666,5	65282,6	148,1
Тошкент ш.	219770,8	247901,4	287813,5	327426,6	132,1
Навоий	24940,4	25065,1	29100,5	33135,9	131,1

* Ўзбекистон статистикаси ахборотномаси асосида талаба томонидан ҳисобланди.

Ҳудудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорининг ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат қўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади. Жумладан кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истиқболда кўзланган натижаларга эришиш таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қobiliяти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2009 йилда 50,1 фоизга етганлиги;

- иш билан банд ходимлар пул даромадларининг 70 фоизи айнан кичик бизнес соҳасида шаклланаётганлиги;

- кичик бизнес корхоналарининг мамлакат экспортидаги улуши 2009 йилда 14,3 фоизга етганлиги ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Шу йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу 2001 йилгига нисбатан қарийиб 11 марта, 2005 йилдагига нисбатан 4 марта кўп.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 462 млрд. сўми «Микрокредитбанк» ҳиссасига тўғри келди. Соҳа ривожини учун шу йили Осиё тараққиёт банки, Ислонд тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (КфВ), ХХР Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан жами 121,8 млн. долл. ёки 2008 йилга нисбатан 1,5 баробарга ортиқ кредит ресурслари жалб қилинди.

2010 йилда кичик бизнесни жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида чора тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ ставкаси 7 фоизга туширилган бўлса, 2010 йилдан эътиборан 7 фоизли солиқ ставкаси барча кичик бизнес корхоналари учун жорий этилди.

Қайси тармоқда фаолият юритишларига боғлиқ равишда кичик бизнес субъектлари қуйидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин:

- 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;

- 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ва уларнинг четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;

- 2012 йил 1 январгача 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, шунингдек, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда ЯИМ, экспорт ва тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни ривожланишдаги мавжуд муаммоларни ечимини топиш ва 2007-2015 йилларда истиқболлаштирилаётган

параметрларни таъминлаш, ушбу соҳада тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг йўналишларини аниқлаш ва улар бўйича чора тадбирларни белгилашни талаб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнесда тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун қуйидаги умумий шароитлар таъминлаши зарур:

- миллий иқтисодиётда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш негизида уни барқарор ривожланишини таъминлаш;
- иқтисодиётда рақобат муҳитини шаклланиши таъминлаш;
- кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизимини, унинг механизмларини такомиллаштириш асосида ривожлантириб бориш;
- кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузулмаларни самарали ҳаракат қилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес фаолиятини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- кичик бизнесни ҳуқуқий-меёрий ва ташкилий асосларини иқтисодиётда турли омиллар таъсирида руй бераётган ўзгаришларга мос равишда узлуксиз такомиллаштириб бориш;
- давлат томонидан кичик бизнес ва ҳуқуқий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш механизмларини самарадорлигини ошириш, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасидаги янги механизмларни мавжуд шароитларга мослаштирган ҳолда амалиётга қўллаш;
- кичик бизнесни инновация негизида ривожланишини таъминлаш борасида чора – тадбирларни ишлаб чиқиш;
- кичик бизнесни молиявий жиҳатдан таъминлаш мавжуд механизмларни самарадорлиги ошириш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини ҳаракатга келтириш негизида қулай инвестиция муҳитини яратиш;
- кичик бизнесда ишлаб чиқаришни ташкил этишни моддий таъминотини такомиллаштириш;
- кичик бизнесни ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш;
- кичик бизнес саоҳаси учун малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;
- кичик бизнесда кооперацияни чуқурлаштириш.

Кичик бизнесни ушбу йўналишларда олиб бориладиган чора тадбирларни ишлаб чиқишда кичик бизнесни ривожлантириш борасида хорижий тажрибани ўрганиш ва уни мамалкатимиз шароитларига татбиқ этиш муҳимдир.

Хусусан, статистик маълумотларга кўра Италияда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 3-5 фоизни ташкил этади ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича АҚШ, Япония, Германия ва Франциядан кейин 5-ўрини эгаллайди.¹ Бу давлатда кичик бизнеснинг ўзига хос хусусияти шундаки, йирик фирмаларда ишлаш билан бирга ўриндошлик бўйича кичик ва ҳунраамандлик корхоналарида ҳам меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Шунингдек ишлов чиқариш тузилмасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири кооператив (ширкат) секторидир. Корперация шакли мамлакат ташқарисида «саноатлаштиришнинг итальян модели»дир. Бундай саноат округларининг самарадорлиги шундаки, улар

¹ Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ИБ – 2005 йил.

махаллий имкониятлардан самарали фойдалана оладилар. Бунинг натижасида корхоналар бир қанча имкониятларга эга бўлади, жумладан:

- корхоналараро муносабатлар мослашувчанлиги юзага келади;
- корхоналарга ташкилот, уюшмалар ва институтлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга оид маълумотлар олиш имконини берадиган аниқ ахборот тизими юзага келади;
- миллий маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқишда кичик корхоналар етакчи мавқега эга бўлади;
- тармоқ усулида ташкил этилган кичик ишлаб чиқариш кооперативларида бандлик юқори даражада бўлади.

Иқтисодчи олимлар курсларига кўра Италия иқтисодиётида турли соҳаларда фаолият юритувчи корхоналарни технологик жиҳатдан бирлаштириш ташкилик шакли «констелляция»² аҳамияти алоҳида эътироф этилади. Бунда бири-бирига боғлиқ бўлган, мураккаб тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда чекланган миқдордаги корхоналар бирлашиб фаолият юритади. Бундай ташкилий шаклда бирлашган корхоналарнинг бири маҳсулот тайёрлаш жараёнини бажарса, айримлари технологик жараён учун масъул бўладиган, баъзилари эса савдо билан шуғулланадилар. Натижада нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш муаммоси ҳал бўлади, шунингдек, ишлаб чиқариш кўлами ҳам кенгаяди. Бундай жараёнда етакчиликни констелляцияда охириги босқичдаги ишларни бажарадиган корхона амалга оширади. Улар бошқа фирмалардан барча керакли бутловчи қисмларни сотиб олади ва лурга тарли ишлар бўйича буюртмалар беради.

Демак корхоналардаги фаолиятнинг мувофиқланишуви юзага келади. Турли констелляцияларда ҳамкорлик қилиш, бозорда маълум бир маҳсулот турига бўлган талабнинг кенгайтирилиши ва эркин ракобат муҳити яратилади, шу билан бирга маҳсулотнинг таннархи ва унинг нархи пасайишига олиб келади.

Фикримизча, Италия Республикасида кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг бу ташкилий шакли Ўзбекистонда ҳам мавжуд хусусиятлар асосида фойдаланиш мумкинлигини эътироф этмоқчимиз. Чунки боис констелляция усулини Ўзбекистон амалиётида ҳам қўллаш, кичик бизнесда афзалликлар яратади, булар:

- кичик корхоналарни молиялаштиришни таъминлайди;
- технологик жиҳатдан мураккаб бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради;
- корхоналарнинг ишлаб чиқаришда ракобатбардошлигини оширади;
- маркетинг курсларини ўтказишнинг реаллигини таъминлайди.

Самарали экспорт фаолиятини амалга оширишлари учун ташқи бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган маркетинг мажмуаси ахборотлари билан таъминланган бўлишлари зарур. Бозорларнинг ўзига хос салоҳияти ва бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар бўйича жорий ахборот тизими, компанияларнинг барча ресурслари бевосита савдо фаолиятига қаратилган ва асосий харидорлар билан доимий алоқа ўрната оладиган ташкилотлар бу экспорт савдо компанияларидир. Жаҳон амалиётида экспорт фаолиятини ташкил

² “constellazione” – юлдузлар туркуми демакдир

этишнинг чет элларда савдо уйлари очиш шакли ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг шакли сифатида кенг тарқалган.

Ўзбекистон савдо уйлариининг чет элларда ташкил этилиши маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар экспорт фаолияти самарадорлигининг ошишига ҳам имконият яратади. Кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий алоқаларга киришишида савдо воситачилари кўмак беради ва ҳамкорлар ва харидор топишга дастлабки имконият яратилади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва хорижий тажрибани ўз ичига қамраб олувчи Ўзбекистон Республикасида 2007-2015 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини янада ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Уни ишлаб чиқиш жараёнида қуйилаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим:

Биринчидан, КБваХТ шаклланишида ва ривожланишида тадбиркорлик меҳнат унумдорлиги ва тадбиркорлик фаоллиги ўртасидаги умумий боғлиқлик омилларидан, авваломбор, “Вақтдан унумли фойдаланиш” (йилдан йилга ижобий натижаларга эришиш), “Ишлаб чиқариш узлуксизлиги ёки давомийлиги” (мавсумий ишдан кўра кўп йиллик фаолият афзаллиги) ва “Самарадорлик” (нафтлилик) каби кўрсаткичларга эътибор берилиши зарур. Иккинчи омил кўпроқ кичик бизнес субъектларига тааллуқлидир.

Иккинчидан, тадбиркорлик меҳнат ва тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги умумийлик омилларига, биринчи навбатда, кишиларнинг “меҳнатга янгича муносабати” (мулк ҳисси, бойиш истаги, яратувчанлик ва ҳ.к.) ҳамда “меҳнат фаолияти ижод, ақл ва тафаккур орқали амалга ошади” (айниқса, кичик бизнес учун), “меҳнатга оқилона муносабат” (кўпроқ фермер хўжаликларида) сингари омил-кўрсаткичлар соҳа тадбиркорларининг маънавий-ақлий шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорнинг бой маънавий қиёфага эга бўлишни, билим–малакасини оширишни ўз фаолиятига янгича қараши ва ишини оқилона ташкил этишини зарурий мақсадга айлантиради.

Учинчидан, ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини самарали ташкил этишда меҳнат бозорининг ишчи кучига бўлган талаби ва тадбиркорлик қобилияти хусусиятларининг умумийлигида, авваломбор, “ижодкорлик” (инноваторлик), “ишчанлик”, “яратувчанлик” (бунёдкорлик) каби хусусиятларга ижобий, устивор муносабатда бўлиши талаб этилади.

Шунингдек, тадбиркорлик фаоллигини баҳолашда қуйидаги мезон-кўрсаткичлар кетма-кетлиги (афзалий қатори) тавсия этилади:

- Маҳсулот (иш, хизмат) сифатининг яхшиланиши;
- Илғор техника ва технологиядан фойдаланиш даражаси;
- Рақобат муҳитини шакллантиришдаги ҳиссаси;
- Меҳнат самарадорлиги орқали ижтимоий-адолатли тақсимотга эришиши;
- Янги иш ўринлари яратиши.

Тўртинчидан, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашда, аҳоли бандлигини оширишда янги иш ўринлари барпо этишнинг самарали йўли

ҳисобланган КБваХТ фаоллиги унинг таркибий турлари бўйича қуйидаги афзаллик қаторига (кетма-кетлигига) эга эканлиги инобатга олиниши даркор:

- ташкилий-бошқарув фаоллиги;
- инвестиция фаоллиги;
- ишлаб чиқариш фаоллиги;
- маркетинг фаоллиги;
- молиявий фаоллик;
- инновация фаоллиги;
- бошқа фаоллик турлари.

Бешинчидан, ҳудудларда КБва ХТ ривожланишининг ўзгариши ва таъсир доирасини баҳоловчи ижтимоий-иқтисодий мониторинг яратиш зарур бўлиб, унда, авваломбор, қуйидаги кўрсаткичлар ўз аксини топиши тақозо этилади:

- доимий яшовчи аҳоли сони, минг киши;
- аҳолини ўртача йиллик даромадининг ўзгариши, %;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони;
- КБваХТ секторининг вилоят (шаҳар, туман) ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши, %;
- мамлакатда) КБваХТ орқали яратилган янги иш ўринлари сони;
- КБваХТ соҳаси ходимларининг ўртача йиллик иш ҳақининг ўзгариши, %;
- КБваХТ соҳада тадбиркорлик фаоллигининг ўзгариш даражаси, %.

Мазкур ижтимоий-иқтисодий мониторинг кўрсаткичлари орқали мамлакатда КБваХТ соҳаси субъектларининг тадбиркорлик фаоллиги даражаси ўрганилади ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади ва истиқбол дастурини ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда ва ушбу соҳада сифат ўзгаришларига эришиш учун дастурнинг бош мақсади:

Кичик бизнес соҳасини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш асосида ушбу секторни барча томонидан эътироф этилган вазифаларини тўлиқ бажаришни таъминлаш ва ривожлантиришида янги сифат босқичига ўтишини таъминлашдан иборат. Кичик бизнесни ривожланишини жадаллаштириш негизида уни ялпи ички маҳсулотдаги ҳисасини 66,1 фоизга етказиш.

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес субъектларининг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш мақсадида дастурда қуйидаги йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва фаолият юритишнинг ҳуқуқий меъёрий базасини такомиллаштириш. Бунда мансабдор шахслар томонидан буйруқбозлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида уларнинг масъуллигини оширишга муҳим эътибор қаратилади;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ноқонуний ва асоссиз аралашуви ҳолатларини бартараф этиш;

- йирик корхоналарни таркибий ўзгартириш натижасида бўшаб қолган нотураржой бинолар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини кичик корхоналарга бериш;

- йирик саноат корхоналарида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун импортга мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, деталлар ва керакли ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича Дастурни амалга ошириш;

- кичик бизнес учун мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва сифатини ошириш

Дастурда кичик бизнесни ташкилий-ҳуқуқий асосларини руй бераётган ўзгаришларга мослаштириб бориш қуйидаги тартибларни ўз ичига қамраб олади:

- кичик бизнесни бир маромда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- тадбиркорлик фаолиятининг бошланиши билан боғлиқ меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни соддалаштириш;

- тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини такомиллаштириш ва уни аслида ҳаракат қилишини таъминлаш йўли билан ижобий фаол тадбиркорлик муҳитини яратиш;

- хусусий тадбиркорларга халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишда кўмаклашадиган инфратузилмани шакллантириш;

- тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини ноқонуний ва асоссиз аралашув ҳолатларига чек қўйиш;

- микро ва кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисоботларини юритиш тартибини, ушнингдек солиқ ва статистика органлаига ҳисоботларни тайёрлаш ва етказишни такомиллаштириш.

Кичик бизнес тадбиркорлик фаолиятини оширишда давлат томонидан қўллаб қувватлашни самарасини ошириш мақсадида дастурда ушбу йўналиш қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- давлат органлари, тадбиркорларнинг жамоат ташкилотлари ва тижорат тузилмалари билан ҳамкорлигини таъминловчи механизмни такомиллаштириш;

- рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, экспорт ҳажмини ошириш, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, қўшимча ишчи ўринларни ташкил этишга кўмаклашиш;

- доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма ва технологик ускуналар, мини технологиялар ярмаркаларини ташкил этиш;

- кичик бизнес субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яратиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Дастурда кичик бизнесни инновация асосида ривожланишини таъминлаш қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- технологик жараёнларни доимий равишда янгилаб бориш асосида маҳсулот сифатини ошириш ва ресурсларни тежалишига олиб келувчи иновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмини такомиллаштириш;
- инновацияларни харид қилиш ва ундан ишлаб чиқаришда фоидаланиш амалга ошириш механизмини сифатида яратилган инновацияларни танлов асосида имтиёзли равишда кичик корхоналарга сотиш;
- қисқа даврда ишлаб чиқаришда аслида қўллаш мумкин бўлган инновацияон ишланмаларни давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда молиялаштиришни ташкил этиш;
- иновацион тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш.

Кичик бизнесни молиявий ресурслар билан таъминлаш йўналишда Дастурда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган:

- молиялаштириш ва суғурта лойиҳаларини амалга киритишни кенгайтириш, кафолат бериш ва механизмини такомиллаштириш;
- операцияларини қўллаш;
- лизинг;
- бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига имтиёзли кредитлаш ва микрокредитлаш;
- кичик бизнес субъектларига лизинг асосида ускуналар сотиб олишни маблағлар билан таъминлаш;
- тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган кредитлар бериш механизмларини такомиллаштириш;
- маҳаллий хом-ашёдан чет эл кредит линияларини, шунингдек миллий валютадаги маблағларни жалб этган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган миниускуналар яратиш амалиёти давом эттирилади.

Хулоса қилиб айтганда, 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

- ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

- ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;

- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

- ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жихатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

- ҳудудлардаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

- ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

Хулоса

Республикаимизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаравон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривож билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти бекиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда ЯИМ, экспорт ва тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

Кичик бизнес субъектларининг моддий-техник таъминоти бўйича келгусидаги 2008-2015 йилларда амалга ошириладиган ишлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- биржа, аукцион ва ярмаркалар савдо доирасини кенгайтириш;
- замонавий техника ва технологиялар лизингини кенгайтириш.

Бунга эришиш учун қуйидаги тадбирлар амалга ошириш назарда тутилади:

- республикада ишлаб чиқарилаётган мини ускуналар, технологиялар каталогини тузиш;
- вилоят мисолида хом-ашё, моддий-техника, меҳнат ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини такомиллаштириш;
- ҳар бир тадбиркорлик субъектларининг хом-ашё ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёжини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;
- мамлакатда бу тадбирлар бажарилса озиқ-овқат, чакана ва улгуржи савдо ярмаркаларининг кенг қўламда фаолият кўрсатишини таъминлаш.

Бунинг учун, албатта, кичик бизнес субъектларини ахборот-маслаҳат марказлари билан таъминлаш орқали қўллаб-қувватлаш зарур. Кичик тадбиркорлик субъектларини ахборот-консалтинг хизматлари билан қўллаб қувватлаш қуйидагилар орқали таъминланади:

- вазирлик идораларининг тегишли бўлимлари (Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Давлат солиқ

бошқармаси, Давлат божхона бошқармаси, Адлия бошқармаси, Ташқи иқтисодий алоқалар институтлар савдо бошқармаси ва бошқалар);

- Савдо-саноат палатасининг ва тадбиркорликнинг бошқа жамоат ташкилотларининг ахборот – маслаҳат бўлимлари, хусусий консалтинг, аудитор, адвокат фирмалари ва солиқ маслаҳатлари;
- махсус газета ва журналлар;
- тадбиркорларга стандартлаштириш техник-иқтисодий маълумотларни, кодлаш ва классификация бериш масалалари бўйича услубий ва амалий ёрдамларни кенгайтириш;
- кичик бизнес субъектларининг нафақат бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботларини юритишда, балки мижозларга ўз бюджетларини режалаштиришда ҳуқуқий ва консалтинг маълумотларни олишда ривожланган даражадаги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб бориш имкониятларини яратиш.

Хулоса ўрнида ишонч билан айтиш мумкинки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз бўлган мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланади. Иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатланувчи кучи сифатида амал қилади.

Дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳудудий кесимда аниқлаштиришда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

- кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурини минтақа хусусиятига мос равишда ишлаб чиқиш;
- ҳудудий-соҳавий хусусиятига кўра ишлаб чиқариш тизимини ташкил этиш;
- маъмуриятчиликни кескин чеклаш;
- институционал асосларни янада кенгайтириш;
- йирик корхоналар билан кичик корхоналар интеграциясига эришиш;
- корхоналарнинг ишлаб чиқариш гуруҳларини ташкил этиш;
- мониторинг тизимини тўлиқ шакллантириб бориш эвазига жаҳонга чиқиш;
- инновацион фаолликни ошириш. Меҳнат инновацияси ва меҳнат менежменти муносабатларини такомиллаштириш орқали сифат кўрсаткичига эришиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қарорларида белгиланган вазифаларни ҳал этишни назарда tutуади. Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес самарадорлигини ошириш асосида уни салмоғи ва аҳамиятини тубдан оширишни таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Хусусий корхона тўғрисида қонуни.2004 йил 23январь, Халқ сўзи
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2005 й. № ПФ 3618-сонли «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2005 й. № ПФ 3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.06.2005 й. № ПҚ 100-сонли «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» ги Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2005 й. ПФ 3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.06.2005 й. ПФ 3622-сонли «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил 5 октябр
10. “Каримов И.А., “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”- Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2005, 525 бет.
11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёти йўли. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2007 й.
12. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2007 й.
13. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2008 й.
14. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2008. Т.16. – 365 б.
15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56. б.
16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // – Т.: Ўзбекистон. 2010. – 80 б.
17. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон. 2011. – 48 б.

18. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон. 2012. – 36 б.
19. Алимов И.И. Молия. Ўқув қўлланма./ - Т.: Тошкент, 2007. - 108 с
20. Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ. 2009. – 448 б.
21. Вахобов Д., Ражабов Ш. «Молия». Рисола./ - Т.: ТМИ, 2009.-56 б
22. Вахобов Д., Ражабов Ш. Молия. - Т.: ТМИ, 2009. -200 б.
23. Вахобов А., Т.Маликов, Молия. Дарслик. Тошкент, “Ношир”, 2011 й. 712 б.
24. Косимова М.С. , Юсупов М.А., Эргашхаджаева Ш.Ж. Маркетинг. Т.: ТДИУ, 2010.
25. Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2005.
26. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 2003. Алешин В.А., Зотова А.И.. Финансы: учебник. - Ростов н/Д: Феникс, 2009 г. – 346 стр.
27. Маликов Т.С. “Молия: хужалик юритувчи субектлар молияси” Ўқув қўлланма / - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2009. - 288 с
28. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011. – 450 бет.
29. Самадов А.Н., Останакулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т.: Молия-иктисод, 2008.
30. Ходиев Б.Ю, Косимова М.С., Самадов А.Н Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. –Т.: ТДИУ, 2010.
31. Юлдашев З.Ю., Маликов Т.С. “Молия: Уй хўжаликлари молияси”. Ўқув қўлланма/ - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008.-112 с
32. Анискин Ю.П. Организация и управление малым бизнесом: Учеб. пособ. – М.: Финансы и статистика, 2008.
33. Васильева М.В. Финансовая политика: учеб. Пособие – Ростов н/Д: Феникс, 2008 г. 220 стр.
34. Жилкина А.Н. Управление финансами. Финансовый анализ предприятия. Учебник. – М.: ИНФРА –М , 2009 г. 332 стр.
35. Иванова В.В., Ковалова В.В. Финансы. – М.: ТК Велби, 2008. 272 с.
36. Ковалева В.В. «Финансы», Учебник. М.: изд. Проспект, 2008 г.640 стр
37. Нешиной А.С.Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г. 592 стр.
38. Нешиной А.С. Финансы. Учебник. – М.: “Дашков и К ”, 2009 г. 528 стр.
39. Интернет сайтлари:
www.minfin.ru
www.mf.uz
www.soliq.uz
www.budget.ru
www.gov.uz
www.mfa.uz